КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА!

# СЪЕЗД ҒОЯЛАРИНИ ҲАР БИР КИШИ ҚАЛБИГА ЕТКАЗАЙЛИК!

## Тошкент область партия комитети пропаганда ва агитация бўлими, «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари редакцияларининг давра суҳбати

КПСС XXVII съезди ғояларини кенг меҳнаткашларнинг онги ва қалбига сингдириш, янги инсонни тарбиялаш, унинг меҳнат ва сиёсий активлигини ошириш йўлида оғзаки сиёсий агитация кадрлари қизғин фаолият кўрсатмоқдалар. Идеология ишининг муҳим таркибий қисми ҳисобланган оғзаки сиёсий агитация соҳасида ҳозир ишлар съезд талаблари асосида қайта қурилмоқда. Омма билан бўлаётган учрашувларда ҳаётимиздаги салбий ҳолатларни тугатиш бўйича конкрет амалий таклифлар ўртага ташланмоқда.

Тошкент область партия комитети пропаганда ва агитация бўлими, «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газета редакциялари ташкил этган давра суҳбати қатнашчилари омма орасида олиб борилаётган сиёсий-тарбиявий ва идеология ишлари самарадорлигини ошириш бўйича тўпланган тажрибалар билан ўзаро ўртоқлашдилар, методик маслаҳатлар бердилар.

Давра суҳбатини область партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари С. П. СЕРГИЕНКО бошқариб борди.

### ЁШ ЛЕКТОРЛАР ГРУППАЛАРИ

**С. ЛАТФУЛЛИН,** Октябрь районидаги 132-мактаб ўқитувчиси

ЎҚУВЧИЛАР барча фанларни эгаллаш билан бирга сиёсий етук, кенг мушоҳадали бўлиб етишишлари устида бутун меҳримиз, педагогик маҳоратимизни ишга солаяпмиз. Шу мақсадда қилинган ишларнинг бири мактабда ёш лекторлар мактабининг ташкил этилишидир. Лекторлар группасига яхши ўқийдиган, ташаббускор, шу соҳага қизиқадиган 20 ўқувчини танлаб олганмиз. Машғулотлар ҳам назарий, ҳам амалий бўлаяпти. Ёш лекторлар белгиланган план асосида партия ва ҳукуматимиз қарорларини пропаганда қилиш, мактаб ислоҳоти, этика, эстетика ва бошқа мавзуларда лекция ва суҳбатлар ўтказиб боришади.

Ҳар душанба мактабда сиёсий ахборот ўтказилади. Бу тадбир ўқувчиларнинг сиёсий онгини тарбиялашга, активлигини оширишга ёрдам бераяпти. Менимча, **ҳар бир мактабда лекторлар группасини тузиш фойдадан ҳоли эмас ва у ёшлар тарбияси ишига қўшилган ҳисса бўлади.**

### АНЪАНАНИ ТИКЛАЙЛИК

**А. ҚОРАБОЕВ,** Оржоникидзе районидаги «Коммунист» колхозининг маданий ишлар бўйича раис ўринбосари

Бундан ўн йиллар муқаддам районимизда сиёсий ташкилотчилар группаси тузилган эди. Бу анъана ҳозир ҳам хўжалигимизда сақланиб қолган. Уларнинг ҳар бирига 10—12 тадан хонадон бириктиб қўйилган. Сиёсий ташкилотчилар турар-жойларда партия ва ҳукуматимизнинг қарор ва кўрсатмалари бўйича тушунтириш ишларини олиб борадилар. Ҳар бир киши билан мулоқотда бўлиб, унинг руҳи, кайфиятини, орзу умидларини ўрганадилар.

Хонадонларга бириктилган сиёсий ташкилотчилар одамларга қонун-қоидаларни тушунтириб боришади, маслаҳатлар беришади. Сиёсий ташкилотчилар ташаббуси билан хўжаликда ота-боболаримиздан қолган ҳашар йўлга қўйилди. Бирор хонадонда қурилиш бўлса ҳашар йўли билан амалга оширилаяпти. Бу кишилар ўртасида тотувлик, ҳамжиҳатлик, дўстлик туйғуларини мустаҳкамламоқда, оқибатли қилмоқда.

Сиёсий ташкилотчилар партия ва ҳукуматимизнинг ғамхўрликларини одамларга тушунтириб борадилар. Уни ҳис этган кишилар самарали меҳнат қилишади. Колхознинг 78 гектарлик боғи бор. Кейинги бир йил ичида унга асосан пенсионерларнинг ўзлари қарамоқдалар. Бунда ҳам сиёсий ташкилотчилар сабаб бўлишди. Сиёсий ташкилотчилар маҳалла аҳлининг ҳамжиҳат, уюшган ҳолда яшаши, умум иши учун сафарбарликни ошириш учун курашмоқдалар.

Лекин кўп хўжалик, ташкилотларда ҳозир сиёсий ташкилотчилар активлигини таъминлашга етарли эътибор берилмаяпти. Айрим жойларда эса бу умуман унутилган. Мен ана шу анъанани тиклашни, унинг фаолиятини янада активлаштиришни таклиф этаман.

### САВОЛЛАР ЖАВОБСИЗ ҚОЛМАСЛИГИ КЕРАК

**А. ИКРОМОВ,** Тошкент тўқимачилик комбинати катта мастери

ГАЗЛАМАЛАРНИ охорлаш цехида оммавий-сиёсий ишларни тўрт агитатор, уч сиёсий ахборотчи олиб бораяпти. Улар ишлаб чиқаришда илғор, жамоат ишларида актив, обрў-эътиборли кишилардир. Оғзаки сиёсий агитация ходимлари комбинат партия комитети ҳузуридаги идеология активи мактабида ўз билимларини ошириб бормоқдалар. Сиёсий маориф кабинети эса уларни ойлик иш якунлари, техника-иқтисодий кўрсаткичлар билан таништириб боряпти.

Мен агитатор сифатида цехимизда социалистик мусобақанинг ошкоралиги ва оммавийлигини таъминлашга, мусобақанинг кенг қулоч ёйилишига алоҳида эътибор бераяпман. Стендларда ҳар бир ишчининг нормаси, социалистик мажбурияти қандай бажарилаётганлиги акс эттириб борилади. «Жанговар варақа» чиқиб турипти. Булар биз учун айниқса муҳимдир. Шу асосда ғолиблар, новаторларнинг илғор тажрибаларини сўзлаб берамиз. Ишлаб чиқаришни ривожлантиришда мусобақанинг ролини алоҳида таъкидлаймиз. Мусобақа меҳнат унумдорлигини оширишга, маҳсулот сифатини яхшилашга, илғор технология ва тажрибани тезкорлик билан жорий этишга ёрдам бераяпти. Хом ашё, электр энергия ва бошқа ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланишга ундаяпти.

Суҳбатларда кўпинча фабрикамизнинг келажаги, фан ва техника тараққиёти ҳақида саволлар беришади. Лекин қўлимда аниқ фактлар бўлмагани учун жавоб беролмайман. Корхонада фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масаласи министрликнинг мутахассисларига кўпроқ аён. Шунинг учун **министрлик оғзаки сиёсий агитация ходимлари, мутахассислар ўз қарамоғларидаги корхона, ташкилотларда бўлиб, оммавий-сиёсий ишларда қатнашсалар** бундай саволлар жавобсиз қолмас эди.

> «Идеология иши—ижодий иш. У ҳаётда бўладиган ҳодисаларнинг ҳаммаси учун ҳам мос тушаверадиган воситаларни билмайди. Доимий изланишни, ҳаёт билан баб-баравар қадам ташлашни талаб этади».
>
> М. С. ГОРБАЧЕВ.



● СУРАТДА: давра суҳбати қатнашчилари.

### ОММАГА ЭНГ ЯҚИН

**Қ. ЖЎРАЕВА,** Бўстонлиқ район «Қозоғистон ССР 30 йиллиги» колхози бригада бошлиғи

ХЎЖАЛИГИМИЗДА ишларни қайта қуриш давом этмоқда. Бу йўлда кўп қийинчиликларга дуч келаяпмиз. Эскича иш услуби ҳар қадамда тўсқинлик қилиб турипти. Қайта қуришни жадаллаштириш учун ҳар бир кишининг онгида ўзгариш ясаш лозим бўлади.

Янгича ишлашни хоҳламаётганларга энди тоқат қилиб бўлмайди. Улар ишчан кадрлар билан алмаштирилмоқда. Чунки айрим раҳбарлар эски иш услублари билан ҳамон муроса қилиб келмоқдалар. Энди бундай кайфиятларга чек қўйиш пайти келди. Бунда оғзаки сиёсий агитация ходимларининг роли катта бўлиши керак. Агитатор, сиёсий ахборотчилар оммага энг яқин турган кишилардир. Улар ҳар бир одамнинг характери, кайфиятини яхши биладилар. Тушунтириш ишларини олиб бораётганда буни ҳисобга олишлари муҳимдир.

### ФОЙДАЛИ МЕҲНАТГА ЖАЛБ ҚИЛИБ

**М. МАННОПОВА,** Тошкент районидаги 9-мактаб ўқитувчиси, Калинин қишлоқ Совети хотин-қизлар Советининг раиси

МЕН қишлоқ хотин-қизлари Советига раисликка сайланганимда олдинига ишни нимадан бошласам экан, деб кўп ўйладим. Ниҳоят активлар билан фикрлашиб барча хотин-қизларни тўплаб, улар билан эркин суҳбат, баҳслар уюштирдик. Бундай мулоқотлар ишни нимадан бошлаш, нималарга кўпроқ эътибор бериш кераклигини кўрсатди-қўйди. Шу тартибда йиллик план тузилди. Хотин-қизлар юмушларини енгиллатиш, маданий дам олишларини ташкил этиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилди. Яқинда «Яхши дам — меҳнатга ҳамдам» шиори остида санъаткорлар билан учрашув бўлди. Учрашувда медицина ходимлари, турли касб эгалари ҳам иштирок этдилар. Куни кеча эса дендропаркда «Қаҳрамон она»ларни шарафлашга бағишланган тадбир ўтказилди.

Олиб борилаётган оммавий-сиёсий, тарбиявий ишларимиз яхши самаралар бераяпти. Уй бекаларининг кўпчилиги колхоз ишларига, фойдали меҳнатга жалб этилди. Тўйлар ихчамлаштирилди, эскича урф-одатлар барҳам топяпти. **Мен ишимизнинг муваффақияти кишиларга яқин туриш, уларнинг ўй-фикрларини ўрганиш, якка тартибда иш олиб бориш шарофати деб биламан.** Бундан буён иш услубимизни янада такомиллаштириб бораверамиз.

### КЎРГАЗМАЛИ ҚУРОЛЛАР, ПЛАКАТЛАР КАМ

**М. АНОРБОЕВА,** Ўрта Чирчиқ районидаги «Северний маяк» колхози бригада бошлиғи

ХЎЖАЛИГИМИЗ территориясида 4500 киши яшайди. 22 сиёсий ахборотчи, 20 агитатор улар орасида тушунтириш ишларини олиб бормоқда. Активлар партия ва ҳукуматимизнинг қарор ва кўрсатмалари асосида суҳбатлар, савол-жавоб кечалари ташкил этаяптилар.

Кишиларнинг онгини ошириш эса уларнинг меҳнати самарасига яхши таъсир кўрсатмоқда. Буни биз амалда синаяпмиз. Бу йил давлатга 9 минг тонна ўрнига 12 минг тоннадан кўп пилла топширдик, чорвачилик бўйича ҳамма кўрсаткичлар ойма-ой зиёдаси билан адо этилаяпти. Ҳар гектар ердан камида 31 центнердан «оқ олтин» олишга сўз берганмиз.

Лекин ишимизда ҳали қатор камчиликлар мавжуд. Оммавий-сиёсий ишлар маркази ҳисобланган дала шийпонларида партия XXVII съезди, КПСС Марказий Комитети Пленумлари материаллари бор. Лекин шийпонларда кўргазмали қуроллар, плакатлар кам. **Сиёсий агитация воситалари билан дала шийпонлари тўла таъминланса** съезд қарорларини пропаганда қилиш иши янада яхшиланарди.

### БИЛИМ ВА МАҲОРАТ ОШИРИЛСИН

**В. БАЛАБАНОВ,** трансформаторсозлик Бутуниттифоқ институти Чирчиқ бўлими рассом — дизайнери

МАМЛАКАТ экономикасини мустаҳкамлаш, ишни қайта қуриш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш каби масалалар ҳозирги кунда кўргазмали агитация олдида турган энг муҳим масалалардир.

Кўргазмали агитациянинг имкониятлари жуда катта. Лекин у илмий ва профессионал жиҳатдан тўғри ташкил этилсагина ўзининг пропагандистик вазифасини ўтай олади. Афсуски, биз кўргазмали агитациядан самарали фойдаланаяпмиз, дея олмаймиз. Номигагина иш юритиш ҳоллари учраб туради. Баъзан ишлаб чиқариш билан жамоатчилик кўп тўпланадиган жойларда ташкил этиладиган кўргазмали агитациялар бир-биридан фарқ қилмайди. Айрим корхона, ташкилотларда, шиор, тасвирий воситалар кўримсиз жойларни бекитиш мақсадида қўйилади. Бу мутлақо нотўғридир. **Кўргазмали агитацияга сиёсий ва эстетик тарбия воситаси деб қарашимиз керак.**

Хўш, камчиликларни бартараф этиш учун нималар қилиш керак?! Шубҳасиз, **кўргазмали агитация ходимлари билими ва маҳоратини ошириб бориш зарур.** Шу билан бирга менимча бу соҳанинг таниқли мутахассислари, Ўзбекистон ССР бадиий фонди, республика рассомлар союзи, «Рассом» комбинатининг мутахассислари «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталарида назарий, консультация берувчи, илғор тажрибани пропаганда қилувчи материаллар билан чиқиб туришса айни муддао бўлар эди.

### КАФЕДА АТЕИСТЛАР КЛУБИ

**Б. ШЕРМАТОВ,** Тошкент шаҳридаги 2-автокомбинат слесари

ЯҚИНДА Чилонзор райони атеистлари билан тажриба алмашувга борганимизда бир янгиликнинг гувоҳи бўлдик. Райондаги «Олмазор» кафесида атеистлар клуби ташкил этилибди. Учрашувлар, баҳслар, суҳбатларга олимлар, фан арбоблари, уруш ва меҳнат ветеранлари, «Билим» жамияти аъзолари таклиф этилар экан. Шунинг учун бундай учрашувлар жонли, қизиқарли ўтиб, ёшлар билимини бойитишга хизмат қилмоқда. Биз ҳам ана шу тажрибани қўллашга қарор қилдик ва ҳозир Акмал Икромов районидаги «Фарҳод» кафесида атеистлар клубини тузишга тайёргарлик кўраяпмиз.

**Атеистик тарбияда энг муҳими конкретлилик, мунтазамлиликдир. Биз ҳам ана шунга амал қилмоқдамиз. Корхонамизда ҳам ҳар ҳафтада бир марта атеистик мавзуда лекция, суҳбат, учрашув уюштирилаяпти.** Уларни асосан кенг активларимиз ташкил этишади. Ўзлари лекцияларга тайёрланишади. Бундай иш услуби тингловчиларни ўзига кўпроқ жалб этади. Яқинда республика «Билим» жамияти аъзолари «Туш кўриш сирлари», «Илоҳий кучлар борми?» мавзуларида лекциялар ўқишди. Жуда кўп саволларга жавоб беришди. Бундай лекция ва суҳбатларга ҳам кишилар қизиқиб келишади. Биз атеистик тарбияда кишилар билан якка-ма-якка тартибда ишлашга эътибор бераяпмиз. Ҳаётда ўзини оқлаган илғор тажрибаларни кенг қўллаяпмиз.

### ЖАДАЛЛАШТИРИШ МОҲИЯТИ НИМАДА?

**С. ХУДОЙБЕРГАНОВ,** Кўчбулоқ кони участка бошлиғи

КПСС XXVII съездида экономикани жадал ривожлантириш масалалари халқимиз олдида турган энг муҳим масалалардан бири эканлиги уқтириб ўтилди. Одамлар билан бўлган савол-жавоблардан хулоса чиқариб айтаманки, ҳали кенг омма унинг туб моҳиятини етарли даражада билмайди. Баъзилар жадаллаштириш янги техникани кўплаб олиб келиш, ҳаммаёқни хом ашё билан тўлдириб ташлаш, иш ҳақини кескин кўпайтириш ва ҳоказо деб тушунадилар. **Биз оғзаки сиёсий агитация кадрлари кишилар билан якка-ма-якка тартибда ишлашда жадаллаштиришнинг моҳиятини тушунтира олишимиз керак. Токи ҳар бир ишчи, колхозчи, кончи, хизматчи бу ҳақда тўғри тасаввурга эга бўлсин.** Жадаллаштириш — манфаатдорликни ошириш ва бошқа масалалар билан бир қаторда янги техникани билим билан бошқариш, меҳнатни илмий асосда пухта, аниқ ташкил этиш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, ҳар бир меҳнаткашнинг, ҳар бир коллективнинг ташаббус ва ижодкорлик билан ишлаши демакдир.

Биз агитатор, сиёсий ахборотчилар съезднинг принципиал қоидаларини ўз корхонамиз, атрофимизда юз бераётган воқеалар асосида тушунтирибгина қолмай, шу билан бирга замонавий талабларга мувофиқ ишни амалий ташкил қилишимиз ҳам керак.

### ПУХТА УЮШТИРИЛСА...

**Н. НУРИДДИНОВА,** Тошкент шаҳар стоматология поликлиникаси терапия бўлимининг мудири

КЕЙИНГИ йилларда корхона, ташкилот, муассасаларда ягона сиёсий кунларнинг ўтказилиши омма билан мулоқотнинг энг синалган формаси бўлиб қолди. Бу кунларда ўтказилаётган лекция ва суҳбатларда одамлар мамлакатнинг ташқи ва ички ҳаёти, партия ва ҳукуматимиз сиёсати билан чуқурроқ, кенгроқ танишиб бормоқдалар. Ўн иккинчи беш йиллик топшириқларини бажаришда меҳнаткашларнинг сафарбарлигини таъминлашда сиёсий кунларнинг роли бениҳоя катта бўлаяпти. **Ягона сиёсий куннинг ташкилий томонларини яна ҳам такомиллаштириб бориш керак.** Масалан, партия ва ҳукуматимиз қарорлари эълон қилинганда хўжалик, муассасалар, жамоат ташкилотлари уни тушунтириш бўйича тадбирлар ўтказадилар, тарғибот ишларини олиб борадилар. Орадан бир-икки кун ўтгач эса ягона сиёсий кунда яна шу мавзу такрорланади. Ягона сиёсий кунга келган лекторлар, активлар баъзан етарли тайёргарликка эга бўлмайдилар. Сиёсий докладчиларни юборишда ҳар бир меҳнат коллективининг ўзига хос томонлари ҳисобга олиниши, сиёсий докладлар шу корхона ҳаётига боғланиши керак. Шунда машғулот қизиқарли ўтади. Баъзан шундай ҳоллар бўладики, район партия комитети томонидан айтилган ягона сиёсий кун мавзуси кейинроқ бориб ўзгариб қолади. Шундан кейин шоша-пиша янги тема бўйича тайёргарлик кўришга тўғри келади. Бунинг оқибатида ягона сиёсий кун талаб даражасида ўтмайди. Шунинг учун ягона сиёсий кунлар ҳар жиҳатдан пухта ўйлаб уюштирилиши лозим.

### КОНКРЕТ БЎЛИШИНИ ИСТАЙМИЗ

**А. МИРЗАЛИЕВ,** Оҳангарон районидаги «Октябрь» совхози бригада бошлиғи

АГАР ўтган йили хўжалигимизда давлатга ғалла топшириш плани бажарилмаган, дағал хашак тайёрлаш плани учма-уч уддаланган бўлса, бу йил нафақатгина план, ҳатто мажбуриятларни ҳам шараф билан бажармоқдамиз. Йиллик планидаги 248 тонна ўрнига 354 тонна дон, 768 тонна ўрнига 820 тонна сифатли емхашак тайёрланди. Бу натижаларга қандай қилиб эришдик?!

КПСС XXVII съездига тайёргарлик кўрилаётган кунларда биз оғзаки сиёсий агитация ишларини ҳар қачонгидан ҳам қизитиб юбордик. Бошланган тарғибот ишлари съезд ўтаётган кунларда ҳам қизғин давом этди. Съезд ўз ишини тамомлагач эса унинг қарорларини бажариш юзасидан тадбирлар тузиб, тарғибот ишларини яна ҳам кенгайтирдик, ўз фаолиятимизда меҳнаткашларга бундан буён эскичасига ишлаб бўлмаслигини, ҳалол ва виждонан меҳнат қилиш олға қараб силжишнинг энг асосий шартларидан бири эканлигини тушунтирдик.

Агитаторлар ўз ишларини шу куннинг талаблари асосида қайта қурдилар. **Ҳар куни тушлик пайтида аввалги иш куни якунларини ишчанлик билан, юз хотир қилмай таҳлил этадиган бўлдик. Унда ким яхши, ким ёмон ишлаганлигини айтибгина қолмасдан қолоқлик сабабларини кўрсатмоқдамиз.** Масалан, Мираҳмад Бегматов ўрим даврида бир кунда нормадаги беш гектар ўрнига 7—8 гектардан ҳосил ўрди. У ўрим сифатига, ҳосилнинг нобуд бўлмаслигига алоҳида эътибор берди. Мираҳмад комбайнни ишга бир кун олдин созлаб қўйди. Абдурасул Исаматовнинг эса парвойи палак. Салқин жойни кўзлайди. Техникага яхши қарамайди, ҳосилни пала-партиш ўради. Шу боисдан ишида унум бўлмайди. Бир галги суҳбатда мен шу ҳақда очиқ-ойдин гапирдим. Ишчилар ҳам фикримни тасдиқлашди. Абдурасулнинг камчиликларини рўй-рост айтишди. Ошкора танқид таъсир қилди. Абдурасул Исаматов танқиддан тегишли хулоса чиқарди.

Мен бу фактни келтиришимдан мақсад **агитатор иши конкрет, ишчан ва дўстона танқид асосида бўлиши керак. Энди бўшангликка, расмиятчиликка, сафсатабозликларга батамом барҳам беришимиз зарур.**

**Давра суҳбатида Янгийўл шаҳридаги 109-кўчма механизациялашган колонна электр пайвандчиси Р. Ҳамидуллин, Ғалаба районидаги Ленин номли колхоз участка бошлиғи У. Телеубоев, Калинин районидаги Свердлов номли совхоз партия комитети секретарининг ўринбосари А. Субаева, шу хўжалик сут соғувчиси Н. Норхўжаева, Тошкент шаҳар Октябрь районидаги 157-мактаб партия ташкилотининг секретари У. Одилов КПСС XXVII съезди қарорлари асосида ўз коллективларида олиб борилаётган сиёсий ва ташкилотчилик ишлари, идеология ишларини такомиллаштириш юзасидан кўрилаётган тадбирлар, бу соҳадаги дастлабки натижалар ҳақида гапириб бердилар.**

(Давра суҳбати материалларини «Тошкент ҳақиқати» мухбирлари Б. Пўлатов, У. Абдушоҳидов тайёрладилар).

**А. Мальцев** фотоси.

